



**FarDU.
ILMIY
XABARLAR**

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФЕРГУ**

3 - 2018
i y u n

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис:

Фарғона давлат университети

FarDU.
ILMIY XABARLAR-
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.
ФерГУ

Журнал бир йилда
олти марта чоп этилади.

Фарғона вилоят Матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан
2007 йил 12 апрелда 12-075
рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал филология, кимё ҳамда
тарих фанлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Олий
аттестация комиссиясининг
докторлик диссертациялари
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб
босилганда, манба кўрсатилиши
шарт.

Босишга рухсат этилди: 15.08.2018
Қоғоз бичими: 60x84 1/8.
Босма табоғи: 17,0
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 100 нусха.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 122

Нашр учун масъул:
А.Ғ.Сабирдинов

Муқова дизайни ва оригинал
макет ФарДУ таҳририят-нашриёт
бўлимида тайёрланди.

ФарДУ нусха кўпайтириш
бўлимида чоп этилди.

Манзил: Фарғона ш.,
Мураббийлар кўчаси, 19- уй.

Бош муҳаррир:**Р.Х.Максудов**, техника фанлари доктори, профессор.**Масъул муҳаррир:****М.Х.Ҳакимов**, филология фанлари доктори.**ТАҲРИР КЕНГАШИ:**

Аниқ ва табиий фанлар:

Ш.Фармонов, ЎзФА академиги.
Р.Мўминов, ЎзФА академиги.
Ж.Азимов, ЎзФА академиги.
С.Рашидова, ЎзФА академиги.
Ғ.Муҳаммедов, кимё фанлари доктори, профессор.
С.Арипова, кимё фанлари доктори, профессор.
И.Асқаров, кимё фанлари доктори, профессор.
К.Баҳодирхонов, физика-математика фанлари доктори, профессор.
А.Уринов, физика-математика фанлари доктори, профессор.
А.Аъзамов, физика-математика фанлари доктори, профессор.
К.Абдурахмонов, физика-математика фанлари доктори, профессор.
Қ.Муминов, физика-математика фанлари доктори, профессор.
Н.Юлдашев, физика-математика фанлари доктори, профессор.
Р.Расулов, физика-математика фанлари доктори, профессор.
К.Онаркулов, физика-математика фанлари доктори, профессор.
С.Отажонов, физика-математика фанлари доктори.
Қ.Қаримқулов, техника фанлари доктори, профессор.
Т.Мадумаров, биология фанлари доктори, профессор.
Ғ.Юлдашев, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
А.Ибрагимов, кимё фанлари доктори, профессор.
В.Хўжаев, кимё фанлари доктори.
Р.Қўзиев, биология фанлари доктори, профессор.
С.Абдуллаев, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Ф.Ҳикматов, география фанлари доктори, профессор.
Ю.Аҳмадалиев, география фанлари доктори, профессор.
М.Исағалиев, биология фанлари доктори.
А.Турдалиев, биология фанлари доктори.
Ғ.Ҳомидов, биология фанлари доктори, профессор.
Э.Исоқов, тиббиёт фанлари доктори.

Ижтимоий-гуманитар фанлар:

Н.Каримов, ЎзФА академиги.
Б.Назаров, ЎзФА академиги.
Ш.Сирожиiddинов, филология фанлари доктори, профессор.
Й.Солижонов, филология фанлари доктори, профессор.
Н.Маҳмудов, филология фанлари доктори, профессор.
Ҳ.Дадабоев, филология фанлари доктори, профессор.
М.Жўраев, филология фанлари доктори, профессор.
Д.Қурононов, филология фанлари доктори, профессор.
А.Мамажонов, филология фанлари доктори, профессор.
Б.Каримов, филология фанлари доктори, профессор.
К.Қаҳрамонов, филология фанлари доктори, профессор.
Ғ.Ҳошимов, филология фанлари доктори, профессор.
С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор.
А.Сабирдинов, филология фанлари доктори.
А.Қосимов, филология фанлари доктори.
Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор.
Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори.
Б.Бегалов, иқтисод фанлари доктори, профессор.
А.Ғафуров, иқтисод фанлари доктори, профессор.
М.Адҳамов, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Б.Ғойибназаров, иқтисод фанлари доктори, профессор.
И.Иватов, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор.
Ш.Хонкелдиев, педагогика фанлари доктори, профессор.
Ш.Шарипов, педагогика фанлари доктори, профессор.
М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор.
Б.Матбобоев, тарих фанлари доктори, профессор.
А.Аширов, тарих фанлари доктори, профессор.
А.Маврулов, тарих фанлари доктори, профессор.
Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор.
Ф.Турғунбоев, фалсафа фанлари доктори.
И.Остонакулов, тарих фанлари доктори.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19- уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Сайт: www.fdu.uz

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЮСУПОВА, М.РАҲМОНҚУЛОВА Вазифаларни баҳолаш учун функцияларнинг хусусиятларидан фойдаланиш	5
М.АБДУМАННОПОВ Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Бицадзе-Самарский ва биринчи тур интеграл шартли масала	10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ, Ш.ХОЛДОРОВ Чўзилувчан камарли узатувчи механизм таранглигини ҳисоблашнинг бир усули ҳақида	14
--	----

КИМЁ

Л.ИЛЬИНА, Г.ЛАПТЕВ, Е.ЙИЛДИРИМ, С.ЗАЙЦЕВ Кортекснинг ишлов берилмаган микроорганизмларини молекуляр генетик таҳлил қилиш учун ДНКни изоляциялаш ва тозалаш усулларини оптималлаштириш	20
Х.ХАЙТБАЕВ, Б.БАБАЕВ, И.ЮЛДАШЕВ, А.ХАЙТБАЕВ Трифенилфосфин бромидли комплекс туз синтези	24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ

Б.ШЕРАЛИЕВ, З.ПЕНГ Сирдарёдан тутилиб ўрганилган оддий қора балиқнинг <i>Schizothorax curvifrons</i> (Heckel, 1838) тана массаси ва тана узунлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳамда нисбий тўйинганлик коэффициенти	27
--	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.ПИРНАЗАРОВ Ўрта Осиёдаги тўғонли қўллар ва уларнинг генезиси ҳақида	32
---	----

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ Сифат – иқтисодий ўсиш омилларидан бири	36
А.ҒОФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА Кимё саноатини модернизация қилиш ва уни самарали ишлатишнинг инновацион жараёнига оид халқаро тажриба	40

ТАРИХ

С.ХОШИМОВ Шўро ҳокимиятининг Бухородаги куч ишлатиш органлари тарихидан	45
Б.УСМОНОВ Чукалак жанги	49
Х.ЖўРАЕВ Россия империясининг Фарғона водийсига рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати тарихидан. (“Туркистон тўплами” манбалари асосида)	53
С.ЙўЛДОШЕВ Халқ ўйинлари- маънавий тафаккур омили	56

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

У.НАЗИРОВ Этномаданият ривожидан аънанинг ўрни	60
--	----

УДК: 930.9

ЧУКАЛАК ЖАНГИ

Б.Усмонов

Аннотация

Мақолада Тўхтамишхон ва Амир Темур қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган Чукалак жанги тарихи ёзма манбаалар асосида ёритиб берилган.

Аннотация

В данной статье на основе письменных источников освещается история битвы Чукалак, произошедшей между войсками Тохтамышхана и Амира Темура.

Annotation

In this article on the base of written sources the history of the battle Chukalak that occurred between the troops of Tokhtamishkhan and Amir Temur is highlighted.

Таянч сўз ва иборалар: Фаргона водийси, Жўжи улуси, Ўтрор, Сигноқ, Саброн, Чукалак, Андижон, Хўжанд, илгар, Амир Темур, Умаршайх мирзо.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, Улус Джучи, Оtrar, Сигнак, Саброн, Чукалак, Андижан, Ходжент, илгар, Амир Темур, Омаршайх Мирзо.

Keywords and expressions: Ferghana valley, Ulus Djuchi, Otrar, Signak, Sabron, Chukalak, Andizhan, Khojent, ilgar, Amir Temur, Omarshaykh Mirzo.

Жўчи улусининг хони Тўхтамишхон ва Амир Темур қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жанглар тарихи темуршуносликда кенг қамалган. 1389 йилги Аччиқ, 1391 йилги Кундузча, 1395 йилги Терек жанглари шулар жумласидандир. Лекин, 1387 йили бўлиб ўтган Чукалак жанги эса илмий-оммабоп адабиётларда жуда қисқа ёритилган. Биз кўйида мазкур жанг тарихига оид ўз мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

1387 йили Тўхтамишхон қўшинлари Сирдарё бўйига бостириб кирганида, Фаргона ҳудудидан Умаршайх мирзо уларни водий лашкари билан Ўтрордаёқ кутиб олди. Тўхтамишхон яна аҳдини синдуруб, қалин қўшини Мовароуннаҳр сори йибариб турур, - деб ёзади Шарофуддин Али Яздий, - Ва шунинг кайфияти бу турурким, дашт черикиким, улуги Бек Ёруқ ва Илиғмиш Ўғлон ва Алибек ва Сотқин ва ўзга беклар Сигнақдин ўтуб, Сабронга етиб, қамал қилдилар. Оқ Буға ўғли Темур Хожаким, Саброннинг ҳокими эрди, аларнинг дафъиға машғул бўлиб, йахши ишлар қилди ва ташқари ўлтурғон йаағилар кеч нарса саъйи қилдиларким қалъани олғайлар, ололмадилар. Ожиз бўлиб, андин кўчуб, ўзга ерларни чопдилар. Шаҳзода Умаршайхким, Андигонда эрди, андаги черикини йиғиштириб, аларнинг дафъиға юриди ва Сулаймонбек ва Аббосбек тақи Самарқанд черикини жамъ этиб, Лаълбекким, Тағай Буға Барлоснинг иниси эрди ва Шайх Темурким, Оқ Темурнинг ўғли эрди, Самарқандда кўйиб, ўзи мутаважжих бўлди. Ва келиб Амирзода Умаршайх

мирзога қўшулдилар ва иттифоқ билан Сайхундин ўтуб, Чукалакким, Ўтрорнинг бек йиғочиди турур, кун чиқар сориди эрди, икки черик бир-бирига етдилар..." [Шарафиддин Али Яздий. 1997. Б. 116-117].

Низомиддин Шомий эса жанг бўлиб ўтган жой номини Шарафуддин Али Яздийга яқин Чулок, деб қайд этган бўлса-да, унинг аниқ ўрни ҳақида маълумот бермайди. "Ўша (790/1388) йилнинг тир (июн-июл) ойида, - деб ёзади Шомий, - Тўхтамишхон лашкари вилоят атрофига етиб келган эди. Вилоятнинг элу аҳли қочдилар. Амирзода Умаршайх баҳодир лашкар йиғиб, Хўжанд дарёсидан ўтди. Сулаймоншоҳ баҳодир, Аббос баҳодир ва ўзга амирлар бир вақтда Чулок мавзёида душманга етдилар" [Низомиддин Шомий. 1996. Б. 143]. Ушбу парчадан ҳам кўриниб турибдики, Умаршайх мирзо ўз лашкари билан ўша даврда Хўжанд номи билан ҳам юритилган Сирдарёдан кечиб ўтиб, Самарқанддан келган лашкар билан бирлашган ҳолда шимолга қараб юрган ва Туркистон воҳасида душман билан тўқнашган. Лекин ушбу парчада келтирилган санани тўғри, деб бўлмайди. Чунки, Тўхтамиш қўшинлари Мовароуннаҳрга кириб борганлиги ҳақидаги хабар Амир Темурга етиб борган вақтда у Шерозда бўлиб, ушбу хабар етиб келганидан сўнг бир неча кун ўтгач, яъни, 1388 йилнинг 9 февралда Самарқанд томон йўл олади. Шарафуддин Али Яздийнинг Тўхтамиш босқини ҳақидаги хабар Амир Темурга 17

Б.Усмонов - ФарДУ тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

кунда етиб келганлиги ҳақидаги аниқ маълумотига таяниб айтиш мумкинки, Тўхтамиш қўшинларининг Мовароуннаҳрга бостириб кириши 1387 йилнинг декабр ойи охири ва 1388 йилнинг январ ойларига тўғри келади.

Муиниддин Натанзий эса жанг бўлиб ўтган жой номи ҳақида маълумот бермасда, Самарқанд ва Фарғона лашкари бир-бирига қўшилган жой ҳақида қуйидагича маълумот беради: “Қамариддин Мўғулистондан таъмасини узгандан сўнг Тўхтамишга бориб қўшилди. Олдин зикр қилинганидек, Тўқмоқ лашкари Кура дарёси соҳилида музаффар томонидан мағлуб этилгач, Тўхтамиш бу шармандалик доғини ювиш учун Қамариддинни Оқхўжа ўғлон билан биргаликда Туркистон йўлидин Мовароуннаҳрга юборди. Аббос, Сулаймоншоҳ ибн Довуд ва Баронхожа Кўкалтош Самарқанд лашкари билан Туркистон музофотларидан бўлган Тўйтепа худудида амирзода Умаршайхга бориб қўшилишди ва биргаликда Тўқмоқ лашкарини даф қилиш учун отланишди” [Муиниддин Натанзий. 2011. Б. 142]. Гарчи Натанзий Тўйтепани Туркистон музофотларидан бири сифатида қайд этган бўлса-да, у ҳозирги Тошкент вилояти таркибидаги Тўйтепа эканлигини тушуниш қийин эмас.

Лекин шу ерда бу муаллифнинг Қамариддин ҳақидаги фикрларига тўхталиб ўтиш лозим. Низомиддин Шомий Тўхтамиш лашкарбошиларидан ҳеч кимнинг номини қайд этмаган бўлса, Шарафуддин Али Яздий уларнинг номини батафсил санаб ўтганлигини юқорида кўрдик. У ҳам Қамариддин ҳақида маълумот бермаган. Тарихчи Ҳайдар мирзо эса, Амир Темурнинг 1376 йилги Мўғулистонга уюштирилган бешинчи юриши вақтида Қамариддиннинг изсиз йўқолганлигини таъкидлаган. “Мўғулистондаги ишончли одамлардан эшитишимча, - деб ёзади Ҳайдар мирзо, - Куйла Қожурада Амир Қамариддин сувчечак билан оғриб, шу даражага етганки, терисидаги шишлар ёрилиб, коса-коса йиринг оқиб ётган. Шу орада Амир Темур лашкар тортиб келаётгани ҳақида хабар келади. Қамариддиннинг на отда ўтиришга, на жиловни тутишга мадори бўлмади. Одамлар уни тўқайга элтиб, иккита чўри ва бир неча кунга етадиган озиқ-овқат билан қолдиришади. Қолган одамлари қочиб кетишади. Кейинчалик уни тўқайдан қанча қидиришмасин, унинг ҳам, чўриларининг ҳам на ўлигини, на тиригини топишолмайди. Одамлар унинг ёмонликларини аста-секин унута бошлашади. Шундан сўнг

Амир Темур хотиржам бўлиб, Мўғулистонга олтинчи марта юриш қилмади” [Мирзо Мухаммад Ҳайдар. 1996. С. 80; Мухаммад Ҳайдар Мирзо. 2010. Б. 116].

Шунингдек, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий асарларида ҳам 1376 йилдан кейинги воқеалар баёнида Мўғулистон амири Қамариддин номи учрамайди. Фақат Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарномаси”да Амир Темур қўшинларининг 1383, 1390 йиллардаги Мўғулистонга қилинган юришларида темурийлар лашкари билан жанг олиб борган баҳрин қабиласининг вакили амир Қамариддин ҳақида сўз юритилган [Шарафиддин Али Яздий. 1997. Б.98,129]. Натанзий эса ўз асарида Тўғлуқ Темурхондан кейин Мўғулистонда то 1376 йилга қадар ҳукмронлик қилган дуғлат қабиласининг сардори амир Қамариддин ҳақида сўз юритган. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Муиниддин Натанзий томонидан билдирилган 1388 йили Тўхтамишнинг Мовароуннаҳрга юборилган қўшинининг лашкарбошиларидан бири Мўғулистон амири Қамариддин эканлиги ҳақидаги фикри хатодир.

1388 йилнинг январ ойида Ўтрор шаҳри яқинидаги Чукалак мавзеида бўлиб ўтган жанг ҳақида тарихий манбалардаги маълумотлар бир-биридан бироз фарқли бўлса-да, мазмун жиҳатдан анчагина яқин. Низомиддин Шомий жанг ҳақида маълумот бераркан, ҳар икки томон саф тортиб жангни бошлаганликлари, Умаршайх мирзо эса душманни таъқиб этиб ўз лашкаридан ажралиб қолганлиги натижасида унинг аскарлари саросимага тушиб, Фарғона водийсига қайтиб кетганликларини қайд этади [Низомиддин Шомий. 1996. Б. 143]. Шарафуддин Али Яздий эса бироз бўлса-да, ойдинроқ маълумот беради: “... икки черик бир-бирига етдилар ва йасоллар тортиб, ўнг қўл ва сўл қўл тузулғондин (сўнг) бир-бирига чопиштилار ва кечағача ўлдирушти. Амирзода Умаршайх баҳодурлиғидин ўзининг душманларнинг ғулига уруб, нари ўта чиқти ва черикдин айрилди. Черик эли чун ани кўрмадилар, мутаваҳҳим бўлуб, бузулдилар ва Аббосбекка ўқ тегиб захмлик бўлди. Шаҳзода Умаршайх давлат билан душманларнинг ичидан саломат чиқиб, Андижонга кетди...” [Шарафиддин Али Яздий. 1997. Б. 117]. Шарафуддин Али Яздий маълумотининг нисбатан аниқлиги қуйидаги ҳолатларда яққол кўринади. Биринчидан, Умаршайх мирзо душман лашкарининг марказига ҳужум қилган ҳолда душман сафини ёриб, унинг ортига ўта олган. Иккинчидан, темурийлар қўшинининг

Мўғулистонга
эди" [Мирзо
]; Муҳаммад

Шомий ва
да ҳам 1376
Мўғулистон
йди. Фақат
эрномаси"да
1383, 1390
қилинган
билан жанг
акили амир
юритилган
Б.98,129].
мурхондан
лга қадар
Биласининг
из юритган.
айтишимиз
томонидан
гамишнинг
ўшинининг
он амири
хатодир.
ор шаҳри
тган жанг
думотлар
мазмун
н Шомий
қар икки
ликлари,
5 этиб ўз
ижасида
Фарғона
ид этади
143].
ўлса-да,
ик бир-
г қўл ва
-бирига
ирзода
ўзининг
икти ва
ч ани
лар ва
аҳзода
арнинг
тди..."
117].
гининг
яққол
мирзо
илган
а ўта
ининг

Бошқа қисмлари Умаршайх мирзони ўз вақтида қўлай олмаганлиги натижасида унинг ўзи душман қуршовида қолган. Учинчидан, Умаршайх мирзонинг қуршовда қолиши оқибатида темурийлар қўшинида ваҳима бошланган. Тўртинчидан эса худди шу вақтда Самарқанд лашкарининг саркардаларидан Аббосбекнинг яраланиши вазиятни оғирлаштириб, темурийлар қўшини чекинишга мажбур бўлган. Шу ўринда Шарафуддин Али Ўздий "Зафарнома"сининг ўзбек тилидаги наشري ноширлари -тарихчи олимлар А. Армедов ва Ҳ.Бобобековлар Умаршайх мирзонинг ўз қўшинидан ажралиб қолиши мўғулларнинг ҳийласи натижасида юз берган бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлайдилар [Шарафиддин Али Ўздий.1997. Б. 334. 546-550х]. Чиндан ҳам мўғулларнинг ёлғондан чекиниб, таъқиб этувчиларни ўз ёрдамчиларидан ажратиб олиши каби ҳарбий тактикалари кўплаб жангларда, жумладан 1366 йилги Лой жангида ҳам қўлланилган [Шарафиддин Али Ўздий. 1997. Б. 37-40]. Бу, анчагина хавфли тактика бўлиб, таъқиб этувчиларнинг бошқа ҳарбий қисмлари ҳам бирдай фаоллик кўрсатса, бу ҳийла ушбу тактикани қўлловчиларнинг ўзларини ҳам мағлубиятга олиб келиши ҳеч гап эмас эди. Лой жангида Амир Ҳусайн Соҳибқиронни муносиб қўлламаган бўлса, Чуқалак жангида на Самарқанд лашкари, на Фарғона лашкари Умаршайх мирзони етарлича қўллаб-қувватлай олмадилар. Аксинча, уни асир тушган гумон қилиб, жанг майдонини ташлаб қочишни маъқул кўрдилар.

Ушбу жанг Муиниддин Натанзий томонидан батафсил ва янада аниқроқ баён этилган. Муаллиф жанг ҳақида сўз юритар экан, Умаршайх мирзонинг юксак жасорат соҳиби эканлигига ҳам эътибор қаратиб ўтган. У Умаршайх мирзо, темурийлар қўшини марказини бошқаришни Самарқанд лашкари саркардаларидан Аббосбекка топширганлигини, ўзи эса илғорга ёки муқаддимага бошчилик қилиб, душманга ҳужум қилганлигини таъкидлайди. Фикримизча, Умаршайх мирзо душман сафига ўзи бошчилигида кучли зарба бериб, рақиб лашкарини иккига бўлиб ташламоқчи, ғолибона зарба билан ўз аскарларини руҳлантириб, жангни ғалаба билан яқунламоқчи бўлган кўринади. Тўхтамишхон қўшинининг кўп сонли эканлиги, темурийлар лашкарининг руҳиятига таъсир қилган бўлса керакки, у бундай таваккал ишга қўл урган. У рақиб лашкарининг чап қанотига ҳам, ўнг қанотига ҳам шундай

зарбалар берган. Жангнинг тақдирини айнан Умаршайх мирзо ҳал этаётганини тўғри тушунган рақиблар унинг навбатдаги ҳужуми вақтида чекиниб, 100 га яқин аскар билан қуршаб олишга эришадилар. Айнан душман чекинаётган вақтда темурийларнинг бошқа ҳарбий қисмлари ҳам ўз ҳужумларини кучайтирганда, душманнинг тартибли чекиниши қочишга айланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Лекин, аксинча, улар Умаршайх мирзонинг қуршовдан чиқиб олишига ёрдам бериш тугул, кутиб туришни ҳам хоҳламай чекинишга қарор қилдилар. Умаршайх мирзонинг ҳеч ким ишонмаган вақтда қуршовдан ёриб чиқиши ва яна қайтиб душманга бир неча бор кетма-кет зарбалар бериши фақатгина чекинаётган темурийлар қўшинини бутунлай ҳалок бўлишдан сақлаб қолди, ҳолос.

Қўйида Натанзий бўйича жанг тафсилотини тўлиқ келтириб ўтамыз: "Жанговар сафларни тартибга келтирганидан сўнг амирзода Умаршайх ўз одатига кўра, Аббосни ғулда қўйди ва ўзи қоровул баҳодирлари билан муқаддимада туриб ғаним лашкарига ташланди. Бир-икки мартаба худди ғазабнок шер каби душманнинг ўнг ва чап қанотига ёриб кириб, унга қашқатгич зарбалар берди. Аммо кичик бир гуруҳ билан ўраб олиб, қуршов ҳалқаси доирасини табора торайтиришди. Амирзода қайси тарафга юзланса, (ўша ёқда) душманнинг ҳамласи сусайиб қоларди. Бир неча соат давом этган ушбу қирпичоқ олишув пайтида Самарқанд амирлари амирзода Умаршайх ва унинг ёнидагилар ҳолидан хабар олмадилар. Уларнинг ҳар бирининг кўнглига минглаб рости ёлғон васваса йўл топиб, оқибатда иш чаппасига кетибди, деган хаёлда жиловни буриб, Самарқанд тарафга қараб йўлга тушишди. Амирзода Умаршайх юзга яқин отлик аскар билан ғанимнинг ўнг ва сўл тарафига рустамона ҳамлалар қилиб, Исфандиёр ҳунарларини зоҳир этди. У амирлар қочиб кетишганидан хабардор бўлгач, ҳайрон бўлиб, жиловни ўз ғули тарафга бурди. Ўзжанд лашкарини ҳам жаргада тополмади. Бу хиёнаткорона қилмишлардан амирзода бениҳоят изтироблар чекди ва ушбу жанггоҳда ҳалок бўлиб, бенофуслик доғини ўзи билан тупроққа олиб кетиш умидида, ўша кичик гуруҳ билан тагин мартаба (душман сафларига) қаттиқ ҳамлалар қилди. Бу юз одамнинг ҳамлаларидан мингдан ортиқ душман ҳалок бўлди. Бир ғамхўр киши амирзоданинг саъй-ҳаракат жиловини шафқат қўли билан ушлаб,

уни жангоҳдан ташқарига олиб чиқди. Амирзода Умаршайх шу даражада жангга талабгор эдики, жанг майдонидан бир фарсах узоқлашгач, Самарқанд амирларига пайғом юбориб, бу қабих хатти-ҳаракатларига қарши улароқ, уларни бутун чоралар билан Самарқандни ҳимоя қилишга ундади ва ўзи эса катта лашкар билан уларга мададга етиб бориш мақсадида Ўзжанд томонга йўл олди” [Муиниддин Натанзий. 2011. Б. 142-143]. Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, Умаршайх мирзонинг қуршовга тушиб қолиши, Самарқанд қўшинининг лашкарбошиларида темурийлар лашкарининг марказига бошчилик қилган Аббосбекнинг яраланиши (у кўп ўтмай вафот этган) натижасида темурийлар қўшини бошқарувини йўқотган ва чекина бошлаган. Чекинаётган қўшин шу даражада ваҳимада қолганки, унинг таъсири кейинчалик Самарқанд ва Андижон шаҳридаги воқеаларда яққол сезилади. Қуршовни ёриб чиққан Умаршайх мирзонинг ўз хос навкарлари билан яна қайта-қайта қарши ҳужумга ўтиши темурийлар қўшинини жанг майдонидан кам талафот билан узоқлашиб олишига ёрдам берган ва уларни тўла ҳалокатдан сақлаб қолган.

Умаршайх мирзо тезда янгитдан қўшин йиғиб, Самарқандга ёрдамга етиб бориш мақсадида Фарғона водийсига қайтган бўлса-да, уни бу ерда баъзи нохушликлар кутиб турган эди. Чукалак жангидан қочиб келган лашкарлар Умаршайх мирзо тўғрисида нохуш фикрларни тарқатадилар. Натижада водий ва унинг маъмурий маркази Андижонда бир неча кун парокандалик, саросима ҳукм суради. Деярли 15 йилга яқин вақт ўтибдики, мўғул босқини талон-торожи хавфидан қутулиб, тинч ҳаётга ўрганиб қолган водий аҳолиси ўртасида мўғулларнинг навбатдаги босқинларидан

хавфсираб ваҳима кўтарилиши табиий ҳам эди. Водий амалдорлари, бу ерда қолдирилган доруғалар эса воқеалар ривожини бошқариш ўрнига ўзлари ҳам унинг оқимига тушиб қоладилар. Гарчи Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий асарларида бу воқеалар баёнига ўрин берилмаган бўлса-да, Муиниддин Натанзий куйидагиларни ҳикоя қилади: “У келишидан илгари, жангоҳдан қочиб ундан ажраган хос мулозимларидан бир гуруҳи ўзларининг эгри тасаввурлари ҳосиласи бўлган ёмон овозаларни (шаҳарга) етказишди. Чунончи, амирзода Умаршайхнинг ҳарамлари шаҳарни ўз ҳолига ташлаб, тоғга йўл олишди. Шаҳар аҳолиси бир неча фирқага бўлиниб, ғалаёнга келди. Амирзода Умаршайх етти отлик билан етиб келиб, вилоят аҳолисига таскин берди...” [Муиниддин Натанзий. 2011. Б. 143]. Умаршайх мирзо тезда тартибсизликка чек қўяди ва қайтадан қўшин йиғиб, Самарқандга ёрдам бериш мақсадида йўлга чиқади.

Амир Темур Мовароуннаҳрга қайтиб келгач, мамлакат мудофааси учун олиб борилган жанглари бирма-бир таҳлил этади ва босқинчиларга қарши мардонатор жанг қилган Фарғона қўшини ҳамда унинг саркардалари алоҳида тақдирланади. Умаршайх мирзо юқоридаги хизматлари учун Соҳибқироннинг олқишига сазовор бўлганлигини Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида: “Ва шахзода ул баҳодурлик қилган учун ани кўп иноятлар билан сарафроз қилди”, деб таърифлайди [Шарафиддин Али Яздий. 1997. Б. 119.].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Фарғона вилояти Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий чегаралари хавфсизлигини таъминлашда, унинг мудофаасини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутган.

Адабиётлар:

1. Муиниддин Натанзий . Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний (Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий). – Т.: Ўзбекистон, 2011.
 2. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад ва Ҳ. Бобобеков). – Т. : Шарқ, 1997.
 3. Низомиддин Шомий. Зафарнома (Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов ,жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники, Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев). – Т. : Ўзбекистон, 1996.
 4. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Пер. предис., примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой). – Т. : Фан, 1980.
 5. Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди (Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой). – Т.: Фан, 1996.
- Мухаммад Хайдар Мирзо Тарихи Рашидий (Сўз боши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В. Раҳмонов ва Я. Эгамова). – Т.: Шарқ, 2010.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).